

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Л. Бегимкулова</b>	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
<b>Ш.Рискулов</b>	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосиёсий вазият.....	174
<b>А.Нишонов</b>	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
<b>С.Мўминов, Н.Кўлдашев</b>	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
<b>Ф.Маматкулова</b>	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
<b>Ш.Низамова</b>	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
<b>М.Нуъмонжонова</b>	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
<b>С.Хақназарова</b>	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
<b>М.Хамидов</b>	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
<b>Г.Ҳимматова</b>	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
<b>И.Доронина</b>	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
<b>Э.Гиздулин</b>	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
<b>Г.Розиқова, Э.Маруфова</b>	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
<b>Н.Умарова, Х.Фаттоҳов</b>	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
<b>Н.Расулова</b>	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
<b>М.Саидова</b>	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
<b>Н.Каримова</b>	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
<b>З.Позилжонова</b>	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
<b>Н.Турсунова</b>	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
<b>Ф.Анварова</b>	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
<b>Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов</b>	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш .....	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
<b>Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....</b>	<b>246</b>

**МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТДА НОВЕРБАЛ МУЛОҚОТ ТУРЛАРИ**  
**ВИДЫ НЕВЕРБАЛЬНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ**  
**TYPES OF NONVERBAL COMMUNICATION IN INTERCULTURAL COMMUNICATION**

**З.Позилжонова<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup>З.Позилжонова**

*–Қўқон давлат педагогика университети катта ўқитувчиси.*

**Аннотация**

*Мақолада мулоқотнинг невербал каналлари ва турлари, уларнинг мулоқот жараёнида тутган ўрни, функциялари ҳақида гап боради. Шунингдек, невербал мулоқотнинг турли маданиятлардаги кўринишлари тасвирланади.*

**Аннотация**

*В статье рассматриваются невербальные каналы и типы общения, их роль и функции в коммуникативном процессе. Также описываются виды невербальной коммуникации в разных культурах.*

**Annotation**

*The article discusses non-verbal channels and types of communication, their role and functions in the communication process. Additionally, the types of non-verbal communication in different cultures are describe in the article.*

**Таянч сўз ва иборалар:** невербал мулоқот, невербал воситалар, сигналлар, проксемика, кинесика, такесика, сенсорика, хронемика.

**Ключевые слова и выражения:** невербальная коммуникация, невербальные средства, сигналы, проксемика, кинесика, такесика, сенсорика, хронемика.

**Keywords and expressions:** non-verbal communication, non-verbal means, signals, proxemics, kinesics, takesics, sensing, chronemics.

Фанда невербал мулоқот тушунчаси остида мулоқот жараёнида маълумот ва хабарларни етказиш учун қўлланадиган нолисоний воситалар, рамзлар ва белгилар йиғиндиси тушунилади [1,165]. Новербал (сўзсиз, нутқсиз) коммуникация мулоқот қилаётган индивидларнинг бир-бирига ўзаро таъсири ва эмоционал ҳолати ҳақида сигнал берувчи мулоқот шаклидир [2,57]. Новербал мулоқотни қасддан қилинган ёки тасодифий белгиларига кўра ажратиш керак. Ҳар бир невербал белги атайлаб қилинган бўлмади (масалан, биз ўзимиз хоҳлаганимиз учун аксирмаймиз ёки қизармаймиз, бу қасддан қилинмаган ҳаракатлардир. Худди шу тарзда суҳбатдошимизга тасодифан яқинлашимиз ёки узоқлашимиз, унга тегинишимиз мумкин). Новербал мулоқотнинг қасддан қилинган ёки тасодифий белгилари асосида невербал воситаларни 3 турга бўлиш мумкин:

1) физиологик реакцияларга боғлиқ хатти-ҳаракат белгилари: ранг оқариши ёки қизариб кетиш, ҳаяжондан терлаш, совуқдан ёки қўрқувдан қалтираш ва бошқалар;

2) инсоннинг одатларига боғлиқ равишда қўлланадиган тасодифий ҳаракатлар: бурунни қашлаш, бесабаб оёқни тебратиш, лабларни тишлаш ва ҳ.к.з.;

3) асл коммуникатив белгилар: объект, воқеа ёки ҳолат ҳақида хабар берувчи сигналлар [3,77].

Новербал мулоқот ҳақида гапирганда биз, энг аввало, шундай ҳодисаларни назарда тутамизки, улар ё атайин қилинган сигналлар (кўз қисиш, қўл сиқиш) бўлиб хизмат қилади, ёки потенциал тарзда суҳбатдош томонидан атайин қилинган деб баҳоланиши мумкин (масалан, масофани ўзгартириш ёки тегиниш).

Новербал мулоқотнинг проксемика, такесика, кинесика, сенсорика, хронемика каби турлари мавжуд. **Проксемика** деганда инсон хатти-ҳаракатининг фазовий ҳолатини ўрганувчи фан назарда тутилади. Проксемика атамасини 1950-йилларда антрополог Эдвард Холл фанга киритган. Проксемика бу – инсон коммуникатив бўшлиқни қандай тасаввур қилиши, унда қандай яшаши ва фойдаланишини англатувчи мулоқот бўшлиғи

ҳақидаги фандир [4,457]. Э.Холл инсоннинг кундалик ҳаётдаги шахсий бўшлиғини ўрганиш билан шуғулланган. Инсоннинг “шахсий зонаси” бу – чегараларидан чиқиш бизга ноқулайлик келтириб чиқарувчи атрофимиздаги кенглик. Жамоат транспортдан фойдаланганда, турли оммавий тадбирларда бизга буткул бегона одамлар шу бўшлиқнинг чегарасини бузиб, бизнинг норизолигимизга сабаб бўладилар. Агар биз бошқа одамга психологик маънода яқинлашсак, унда биз ўзимиз шу ҳудудий яқинликка интилишни бошлаймиз. Шахсий ҳудудий зонанинг ўлчамлари ижтимоий ва миллий шартларга асосланади. Бир миллат вакиллари (масалан, японлар) аҳоли сонининг кўпайишига одатланишган, бошқалари эса (масалан, америкаликлар) кенг очиқ бўшлиқларни афзал кўришади ва масофа сақлашни хуш кўришади.

**Такесика** суҳбатдошларнинг бир-бирига тегиниши билан боғлиқ новербал мулоқотни ўрганувчи фан бўлиб, такесика ёки гаптика деганда тегиниш ёрдамида амалга ошадиган мулоқот тушунилади. Тегиниш-новербал мулоқотнинг энг муҳим аспекти ҳисобланади; илк болалик даврларида инсон атроф-муҳит ҳақидаги маълумотнинг энг катта қисмини тегиниш орқали олишади. Такесикада тегинишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Профессионал – улар шахссиз характерга эга (масалан, врачнинг беморга тегиниши);

- Маросимга тегишли – қўл сиқиш, дипломатик бўсалар;

- Дўстона;

- Ишқий.

Мулоқот жараёнидаги тегиниш муносабатига кўра маданиятлар контакт ва дистант маданиятларга бўлинади. Контакт маданиятлар сирасига Лотин Америка, Ўрта ер денгизи ва жанубий Европа маданиятлари киради. Канада, Америка, Англия, Германия, Шимолий Европа вакиллари, хитой ва японлар дистант маданиятли халқлар ҳисобланади. Масалан, Германия ва АҚШ да эркаклар Италиядагига нисбатан каттароқ масофада мулоқот қилишади ва бир-бирига кам тегинишади. Италиян эркаклари аёлларига нисбатан кўпроқ бир-бирларига тегинишади. Немисларда, бошқа барча европаликлар сингари, қўл сиқиш саломлашнинг ажралмас бўлаги саналади. Улар нафақат саломлашганда, балки суҳбат ниҳоясида ҳам қўл сиқишадилар. Уларда қаттиқ қўл сиқиш афзал кўрилади. Одатда ёши катта ёки

жамиятда юксак мақомга эга бўлган шахс биринчи қўл беради. Араб ва бир қанча шарқий Европа давлатларида дўстона ҳис-туйғулар ифодаси қаттиқ кучиш шаклида намоён бўлади. Айрим маданиятларда эркак бошқа эркакларга тегиниши мумкин эмас, лекин бунда аёлнинг аёлга тегиниши таъқиқланмаган. Бошқа маданиятларда мулоқот пайтида эркакларга аёлларга яқинлашиш анъана бўйича рухсат берилган бўлса-да, аёлларга эркакларга яқинлашиш тақиқланган. Араблар, лотин америкаликлар, Жанубий Европа халқлари мулоқот жараёнида бир-бирларига тегинадилар. Япон, ҳинд ва покистонликларга мулоқот жараёнида тегиниш истисно ҳолат саналади. Лотин америкаликлар суҳбат жараёнида ҳамсуҳбатга тегинмаслик совуққонлик белгиси деб ҳисоблайдилар [3,82]. Италиянлар носамимий инсонлар ўзларини шундай тутишади, деб ўйлайдилар. Японлар эса суҳбатдошга тегиниш фақатгина ўзини назорат қила олмай қолганида ёки носамимийлик ёхуд агрессив ҳолатларни ифодалашдагина мумкин деб биладилар.

**Кинесика** атамаси юнон тилидан олинган бўлиб, ҳаракат маъносини англатади. Бу фан танани ишлатиш билан боғлиқ новербал мулоқотнинг турли шакллариини ўрганади. Кинесиканинг асосчиси Рэй Бердвистелл тана ҳаракатининг элементар бирликларини **кин** деб номлаган. Кинлар табиий тилнинг сўзлари гапларга бириккани сингари *кинемаларга* бирлашадилар. *Кинемалар* нутқий хабарларни тўлдириш ёки ўрнини босиш учун қўлланилади. Жестлар, мимика, поза ва нигоҳ кинесиканинг элементлари ҳисобланади. **Жест** деб мулоқот жараёнида инсон нутқига қўшимча тарзда тананинг, қўлнинг турли ҳаракатлари орқали бошқарилувчи новербал мулоқот воситаларига айтилади [3, 85]. Жестлар – коммуникация жараёнида инсон нутқининг тана, қўл ёки бармоқларнинг ҳаракатлари билан кечадиган ва кишининг бевосита суҳбатдошига қаратилган, қандайдир ҳодисага, қандайдир шахсга, қандайдир нарсага бўлган муносабатини ифодалайдиган турли ҳаракатларидир [2,58]. Кинесикада жестлар *эмоционал ифода* ва *диалог сигналларига* бўлинади. Эмоционал ифодалар универсал характерга эга, яъни барча маданиятларда бир хил тушунилади. Эмоционал ифодаларга қуйидагилар киради: “Илтимос жести (кафт очилган ҳолатда чўзилган қўл, бармоқлар қайиқ шаклида чўзилган); кўрқув жести (юз ёки бошни қўл билан беркитиш); қарсак чалиш

(қўллаб-қувватлаш ифодаси); кўрсаткич бармоқни юқорига кўтариб силкитиш (норизолик ёки ҳазиломуз дўқ); кафтларни ишқалаш (қўлларни секин ишқалаш ёқимли бирор нарсани мўлжаллашни ифодаласа, тез ишқалангани-ҳаяжон белгиси ҳисобланади); ошқозон соҳасида қоринни силаш (одам очлиги ҳақида хабар берувчи жест ҳисобланади)” [5,92].

Диалог сигналлари жестлари маданий жиҳатдан шартланган, улар инкультурация жараёнида ўзлаштирилади. Диалог сигналлари турлари қуйидагиларга бўлинади:

- Иллюстратор-жестлар – нутқ билан бирга келувчи, нутқдан ташқарида маъно англатмайдиган тасвирий-ифодавий жестлар. Бу жестлар айна пайтда бўлаётган суҳбатнинг мазмунини батафсилроқ англатиб, ёритиб беради.

- Регулятор-жестлар – мулоқотни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган: бош силкиш, кўз қисиш ва ҳ.к.з.

- Эмблема-жестлар – уларни овоз чиқариб айтиш қийин, шу сабабли барча бемаъни жестлар шу тоифага киради.

- Автоадаптор жестлари, ёки ўзгарувчан фаолиятнинг намоён бўлишига хизмат қилувчи тана манипуляцияси (вазиятга мос келмайдиган хатти-ҳаракатлар): тирноқларни, лабларни тишлаш ва шу кабилар. Бу жестлар онгли ҳаракатлар тоифасига кириб маросим жестларига айланиши мумкин.

**Мимика** деганда мулоқот жараёнида кузатиш мумкин бўлган инсон юз ифодасининг барча ўзгаришлари тушунилади. Юз мимикасини ўқиш ва бунга жавобан ўз ҳис-туйғуларини мимика орқали ифодалаш мулоқот жараёнида инсонлар муносабатининг муҳим аспекти ҳисобланади. Одамлар суҳбатдошининг мимикасига унинг жестлари, позаси ва бошқа новербал белгиларга қараганда кўпроқ аҳамият беришади. Айна шуниг учун ҳам одамларга болалик чоғиданоқ ҳис-туйғуларини мимика орқали ифодалашни ўргатишади. Шу билан бирга мимика ёрдамида биз новербал маълумотнинг катта қисмини узатамиз, кўп ҳолларда агар суҳбатдошимиз ҳам бизнинг маданиятга мансуб бўлса, бу маълумотни деярли бехато ўқиб оламиз [3,89].

Америкалик психологлар, туйғулар психологияси бўйича мутахассислар Пол Экман (Paul Ekman) ва Уоллес Фризен (Wallace V.Friesen)лар биз юз ифодаси

ёрдамида узатадиган сигналларни уч турга бўлишади:

1) мунтазам: тери ранги, юз шакли, юз тузилиши (жумладан, қош, кўз, бурунларнинг шакли ва жойлашуви);

2) секин: инсон юзининг вақти-вақти билан ўзгариб туриши ҳақидаги маълумотни ўз ичига оладиган терининг текислиги, ажинлар пайдо бўлиши, пигмент доғлар ва бошқалар;

3) тез: юз мускулларининг қисқариши натижасида ҳосил бўладиган ва узатиладиган сигналлар [6,10-11].

**Поза** мулоқот жараёнида инсон эгаллайдиган тана ва ҳаракатнинг жойлашувидир. Бу новербал хатти-ҳаракатнинг энг кам онгли назорат қилинадиган шаклидир. Шу сабабли ҳам у инсоннинг ҳолатини юз ифодасидан кўра кўпроқ акс эттиради. Гап шундаки, инсонни илк болалик чоғлариданоқ ҳис-туйғуларини ифодалашда мимикасини ва қисман жестини назорат қилишга ўргатишади. Лекин тана ҳолатини онгли равишда бошқаришни ўргатишмайди, шунинг учун ҳам айнан поза бизга инсонларнинг ҳақиқий кечинмаларини ва уларнинг атрофдагиларга муносабатини кўрсатиб бериши мумкин. Суҳбатдошнинг позасини кузатиш инсон ҳолати ҳақида анча маълумот беради. Позанинг ҳар қандай ўзгариши мулоқот иштирокчилари ўртасидаги муносабат ўзгаришидан дарак беради.

Дихотомия кўринишида намоён бўладиган бир қанча позаларнинг маъноларини кўриб чиқамиз:

- Позалар мулоқот учун очиқлик ёки ёпиқликни англатиши мумкин. Ёпиқ позаларга, масалан, қўлни кўкрак устида қовуштириш, тиззага қўйиб ёпилган бармоқлар, елканнинг орқага ташланиши ва ҳ.к.з. киради. Мулоқотга тайёрлик (очиқлик) жараёнида эса одам жилмаяди, бош ва бадан суҳбатдошга юз тутган ҳолатда, гавда олдинга эгилган бўлади.

- Позалар коммуникантлар ўртасидаги муносабатларнинг тенг эмаслигини ифодалаш мумкин. Яъни, улардан бири устунлик қилади, иккинчиси эса унга тобе бўлади. Устунлик қилувчи (доминант) коммуникант суҳбатдошидан тепада туради, яъни жисмоний жиҳатдан ундан юқорида бўлишга интилади. Суҳбатдошнинг тобелиги ёки бўйсунуши қимтини ўтиришида, ўзи англамаган равишда иложи борица камроқ жой эгаллашга интилишида ва шу каби позаларда намоён бўлади.

- Коммуникантлар ўртасидаги қаршилик ёки уйғунлик. Қаршилик қуйидагича кўринишда

бўлади: тугилган муштлар, қўллар белга қўйилиб, елканинг олдинга чиқарилгани. Агар коммуникант ҳамсуҳбатига муносабатда хайрихоҳ бўлса, у билан ҳамкорлик қилишга интилса, унда кўпинча унинг позаси шеригиникини у ёки бу тарзда такрорлайди, унинг гавдаси унчалик зўриқмаган бўлади [3,88].

Позалар универсал бўлгани сабабли, маданиятлараро тафовутлар уларнинг ўзида эмас, балки суҳбатдошга кўрсатадиган таъсири, самарасида намоён бўлади. Масалан, америкалик талаба профессор олдида ўзига қулай бўлган позада, бемалол оёқларини чалкаштириб ўтириши мумкин, чунки бу ҳолат АҚШ да муносабатларнинг

қандайдир ўзига хос кўрсаткичи ҳисобланмайди. Бироқ европа маданиятларида бу поза мулоқот жараёнидаги ҳамкорларнинг ижтимоий тенглигини англатади. Япон маданиятида итотатғуй характердаги позалар европа маданиятидаги нисбатан хатти-ҳаракатнинг нейтрал услуби ҳисобланади. Рус маданиятида ҳам шундай мулоқотдан четлашиш ҳоллари нисбий бетарафликни англатади (бошни куйи солиш, бир оёқдан иккинчисига ўтириш, тананинг ёпиқлиги). Лекин америкалик бундай ҳолатни батамом ёпиқ, мулоқотга ҳошиш йўқлиги билан боғлиқ тарзда қабул қилади.

#### Адабиётлар:

1. Садохин А.П. Введение в теорию межкультурной коммуникации. – М.: Высш.шк., 2005.
2. Ш.Усманова, Г.Рихсиева. Маданиятлараро мулоқот. Ўқув қўлланма. – Т., 2017.
3. М.Ю.Гузикова, П.Ю.Фофанова. Основы теории межкультурной коммуникации. Учебное пособие. Екатеринбург, Изд-во. – Урал. Ун-та, 2015.
4. Крейдлин Г.Е. Невербальная семиотика: Язык тела и естественный язык. – М.: Новое лит. Обозрение, 2002.
5. Бутовская М.Л. Язык тела: Природа и культура (эволюционные и кросскультурные основы невербальной коммуникации человека). – М.: Науч. Мир, 2004.
6. Ekman P., Friesen W.F. Unmasking the face: a guide to recognizing emotions from facial clues. Englewood Cliffs, N.J.: Prentice-Hall, 1975.

*(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).*